Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 3-iyul № 79 (2804) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳикмат

Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди.

ГОРАЦИЙ



Фозил НИШОН олган суратлар

Бозорлар тўкинлиги юрт фаровонлиги рамзидир. Айни дамда юртимиз бозорларига борган ҳар қандай киши буни ўз кўзи билан кўриши мумкин. Айниқса, ҳозирги пишиқчилик даврида бу тўкинлик яққол намоён бўлмоқда. Олма-ю ўрик, шафтоли-ю узумнинг хилма-хил навларини кўриб қайсини олишни билмай шошиб ҳам қоласиз. Ғарқ пишган ширин-шакар меваларнинг растаҳларга моҳирона териб қўйилгани эса Ўзбекистон меҳмонларини ҳам лол қолдирмоқда.

Суратларда: пойтахтимиздаги «Наврўз» деҳқон бозори ОАЖнинг «Ширин» шохобчаси фаолиятидан лавҳалар.

Шу сонга хабар

Кеча Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг IV курултойи бўлиб ўтди. Унда Марказий кенгаш раиси Кутлимурод Собиров 2004-2010 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Ишчанлик руҳида

Маъруза муҳокамаси юзасидан сўзга чиққан Тошкент минтақавий темир йўл узели бошлиғи Мансур Ражабов, Бухоро минтақавий темир йўл узели касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси Насим Назаров, «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси касаба уюшма ташкилоти етакчиси Ровза Шагиаҳмедова, Тошкент метрополитени бошқармаси «Ўзбекистон» электр депоси машинист-йўриқчиси Алишер Эргашев ва бошқалар тармоқда фаолиятни бундан-да такомиллаштириш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Курултойда Кутлимурод Собиров Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

(Курултой ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонларида эълон қиламиз)

Ўз мухбиримиз

Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида Қашқадарё вилоятида бир йилда 1 млн. 909 минг 458 АҚШ доллари қийматидаги 27 та лойиҳа амалга оширилди.

Минитехнологиялар

Яккабоғ туманидаги Эркин Тўхтаев раҳбарлик қилаётган «Турон-бунёдкор қурилиш инжиниринг» компанияси томонидан Хитой давлатидан соатига 110 тонна қум ва шағални қайта ишлайдиган ҳамда 12000 дона пишиқ ғишт тайёрлайдиган ускуна келтирилиб, 99 та янги иш ўрни яратилди. Замонавий минитехнологиялар туфайли омилкор жамоа 41 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқараяпти. Энг муҳими, маҳаллий ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Ғузор туманидаги «Мўмин» хусусий фирмаси пластик маҳсулотлар ва пишиқ ғишт ишлаб чиқариш линиясини, «Реал капитал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти мебел тайёрлаш ускуналарини, «Аква-ветер» корхонаси газланган минерал сув қадоқлаш технологиясини ишга туширди.

Йил давомида 30 га яқин минитехнология монтаж қилиниб, 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, «Агроминитех-экспо» кўргазма савдолари орқали фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва кичик корхоналарга 12 та мева-сабзавот, 25 та гўшт ва сутни қайта ишлайдиган, 12 та паррандачилик, 15 та нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган, 10 га яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар ўрнатилди.

Замонавий минитехнологиялар иқтисодиётни жадал ривожлантириш билан бирга, фуқаролар учун янги иш ўринлари яратиш имкониятини бермоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Жиззахдаги «Матлуба» гимнастика саройи вилоятдаги болалар боғчалари тарбияланувчиларидан иборат гимнастикачилар билан гавжум бўлди. Унда вилоят бадиий гимнастика федерацияси ташаббуси билан 1996-2005 йилларда туғилган қизлар мусобақаси ўтказилди.

Нафис спорт юлдузлари

Жиззах шаҳридан Барно Махсатуллаева, Зарнигор Жуманова, Севинч Алимардонова, ғаллароллик Зиёда Норбоева, Муштарий Рашиданинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Якунда вилоят терма жамоаси биринчи, Жиззах шаҳри иккинчи, ғаллаоролликлар учинчи ўринни эгаллади.

— Бундай тадбирларни режа асосида мунтазам ўтказиб борамиз, — дейди бадиий гимнастика вилоят федерацияси раиси Гулбаҳор Нормуродова. — Мақсадимиз — истеъдодли ёшларни кашф этиш.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Саноат корхоналарида

Наманган «Nestle»си

Мингбулоқ туманига йўлим тушганида, қадрдоним Абдусаломни кўриб ўтиш учун Жомашўй шаҳарчасида тўхтадим. У дарвоза олдида «Москвич»га уланган аравачага бидон ортаётганди.

— Наманганда «Nestle» корхонаси очилгани яхши бўлди-да, — деди Абдусалом сўрашиб бўлганимиздан сўнг. — Олдинлари соғиб олинган сутни сотиш ҳам бир муаммо эди. Энди икки кунлигини бирлаштириб, «Nestle»га топшириб келамиз. Пули ҳам нақд. Шундоқ лабораториядан ўтказилади-да, пулини санаб қўлингизга тутқазишади.

Унинг айтишича, шу маҳалланинг ўзидан икки-уч шундай арава уланган автомобил «Nestle» қўшма корхонасига қатнаркан.

Сигир боқаётганларга қулай, ҳайдовчилар эса пул ишлаб олишади.

— Менинг учта сигирим бор, — дейди у. — Икки ўғлим, уч набирам, рафиқам, келиним билан молларга қараймиз. Ўғилларим ва келинимга меҳнат дафтарчаси очилган. Уларнинг стажи давом этади. Қарабсизки, катта ёшдагилар иш билан банд. Яна бир қулай жиҳати шуки, корхона доимий маҳсулот етказиб бераётганлигимиз ҳақида ҳужжат беради ва шу асосда бизга давлат баҳосида ем сотилади.

Корхонадагиларнинг айтишича, Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам ушбу корхонанинг шохобчалари бор. Уларнинг ҳаммаси зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган.

— Зеро, сутдан тайёрланадиган ўндан ортиқ маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига худди шу ерда асос солинади, — дейди қўшма корхонанинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири Аброржон.

Маҳсулот сифатининг юқори бўлишига эришилаётганлиги боис ўтган йили мамлакатда биринчи бўлиб шу корхона «Энг хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти» деган сертификат олишга эришди.

Цехларда саранжом-саришталик ҳавас қилгулик. Ишчиларга махсус кийим берилган. Замонавий механизмлар Швейцария, Франция, Германия ва Швециядан келтирилган. Технологияларни такомиллаштириш давом этмоқда. Ўтган йили қуруқ сут тайёрловчи ускуналар Украинадан келтирилган эди.

Бу ерда сутдан турли маҳсулотлар тайёрлаш билан бирга, Франция технологияси асосида экологик тоза сув ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Дастлаб бу иш билан хориждан келган мутахассислар шуғулланган бўлса, ҳозир маҳаллий ёшларнинг ўзи бемалол эплаяпти. Жумладан, вилоят марказига туташ Ғалча қишлоғида фаолият кўрсатаётган коллежда алоҳида бўлим очилган бўлиб, унда корхона учун мутахассислар тайёрланаяпти. Улар ишлаб чиқариш амалиётини «Nestle»да ўтамоқда. Ишни намунали ташкил этишда Зоҳиджон Ҳамидов, Мунаввар Нормирзаева, Комилжон Отамирзаев сингари ходимлар фидойилик кўрсатиб ишлаяпти. Ишчиларнинг шароити яхши, уч маҳал бепул овқат йўлга қўйилган. Ишга бориб-келиш учун автобуслар ажратилган. Шаҳар соғлиқни сақлаш муассасалари билан шартнома тузилиб, беморларга ғамхўрлик кўрсатилаётир. Самара чакки эмас. Масалан, йилнинг биринчи чорагида 60 тонна қуритилган, 2204 тонна қадоқланган сут ишлаб чиқарилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV курултойидан сўнг ўтган давр мобайнида салмоқли ижобий ишлар амалга оширилди. Энг кам иш ҳақи 5,8 баравар кўтарилди, пенсия ҳисоблаш учун олинадиган ўртача иш ҳақининг юқори чегараси энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 8 баравариgача юксалди. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 15 дан 9 фоизгача, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи энг юқори ставкаси 29 дан 22 фоизгача пасайтирилди, нақд пулнинг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар ходимлари даромадларини ошириш учун уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткалари ва рағбатлантириш тизимлари жорий этилди.

Қурултойдан — қурултойгача

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериқчилик

Касаначиликни кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорва боқишни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида изчил фаолият кўрсатилди. Энг қувончлиси, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиб борилаётганлиги боис жамоа шартномаларини тузишга салбий таъсир этувчи барча омиллар бартараф этилди. Меҳнат билан банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби такомиллаштирилди. Жамоа шартномалари тузиш бўйича илк бор уч томонлама ижтимоий шериклар ўртасида келишилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва матбуотда эълон қилинди.

Касаба уюшма ташкилотлари жамоа келишувлари ҳамда шартномалари орқали ходимларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари кафолатланишига эришмоқда. Айни пайтда 14 та ҳудудий (минтақавий) келишув амалда. Тармоқларда республика миқёсида 80 та, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 230 та, вилоят тасарруфидаги туман ва шаҳарларда 359 та ҳудудий келишув мавжуд.

2005-2009 йиллари иқтисодиётнинг реал секторида тармоқ келишувларидан аста-секин тариф келишувларига ўтилди. Масалан, 2005 йилда атиги битта тариф келишуви бўлган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 10 тага етди.

Тариф келишувлари асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек, муайян тармоқда таркиб топган амалиёт доирасида энг кам ва ўртача иш ҳақи, иш ҳақи фондининг тариф қисми, устамалар, компенсация тарзидаги рағбатлантирувчи тўловларнинг турлари, уларнинг энг кам миқдори, тармоқ тариф сеткалари, йиллик асосий ҳамда қўшимча таътилнинг энг кам муддати каби масалаларни қамраб олади.

Айни чоғда Хоразм, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида комплекс минтақавий келишувлар тузилган. Келишувлар меъёрлари жойларда имзоланаётган жамоа шартномаларини бойитаётганлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Жамоа шартномаларининг лойиҳалари касаба уюшма органлари томонидан экспертиза қилинаётир. Ўтган йил якунларига кўра республикада 113 мингта жамоа шартномаси бўлиб, уларда 4,9 млн. нафар ходимнинг манфаатлари кафолатланган.

Бандлик ва меҳнат бозори

Янги иш ўринларини яратиш дастурлари прогноз кўрсаткичлари ижроси мониторингини сифатли ва тўлақонли юритишга касаба уюшма органлари ҳам жалб этилди. Яъни янги иш ўринлари яратилиши бўйича чорак ҳисоботларини тасдиқлаб берувчи мансабдор шахслар қаторига ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари раислари, туман ва шаҳарларда эса янги иш ўринлари яратилиши бўйича комиссиялар таркибига агросаноат мажмуи ёки таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раҳбарлари киритилди.

Ўтган йили 940 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Уларнинг 500 мингга яқини қишлоқларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди. Касаначиликни ривожлантириш натижасида 130 минг киши ишли бўлди.

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида янги техника ва технологияни жорий этиш, касодга учраган корхоналарда ишсиз қолган ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолаяпти. Шунинг учун тугатилаётган корхона ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарзларнинг ундирилиши назоратга олинмоқда. 540 минг нафар ходим жамоа шартномалари ва келишувлари асосида (иш берувчилар ҳисобидан) касбий тайёргарликдан ўтди, малакаси оширилди.

Барча ҳудудий келишувларга меҳнат бозоридаги жараёнларни самарали тартибга солиб туриш, ҳудудий «Бандлик» дастурларини шакллантиришда касаба уюшмалари таклифларидан келиб чиққан ҳолда корхоналар банкротлиги ва тугатилишининг олдини олиш масалалари киритилмоқда. Касаба уюшмаларининг касаначиликни қўллаб-қувватлаш тадбирларига кўра 2006-2009 йилларда 115823 нафар касаначига жамоа шартномалари татбиқ этилди. Ушбу соҳадаги муаммолардан бири унинг иқтисодиётда банд аҳолининг учдан бир қисми меҳнат қилаётган норасмий бандлик сектори билан боғлиқлигидир. Булар вақтинчалик, бир марталик, мавсумий ишларни бажараётган, меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан тадбиркорларга ёрдам бераётган оила аъзолари ёки бошқалар, бозорларда ишлаётган, бозорлардан ташқари савдо қилаётган, хусусий ташувчилик, ҳунармандчилик ва ҳоказолар билан шуғулланаётган фуқаролардир. Бу сектордаги бандликнинг меъёрдан ортиқ ўсиши иш ҳақи стандартларини пасайтириб юбораяпти. Ходимларнинг ижтимоий заифлиги ортаётир. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг касаначиликни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам бандлик турлари ўртасидаги ана шу номутаносибликни бартараф этишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch
2010-yil 3-iyul № 79 (2804)

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчилик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Меҳнатга ҳақ тўлаш

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб рақамларидан тўловларнинг узлуксиз тўланишини таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорлари жамоа келишувлари ва шартномаларининг иш ҳақига таъсир кўрсатувчи ролини кучайтиришда дастуруламал бўлди.

Ҳисобот даврида касаба уюшма органларининг саъй-ҳаракати ўлароқ иш берувчилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, банклар, ҳуқуқий инспекциялар, прокуратура ва суд органларига қилинган мурожаатлар натижасида 113,26 млрд. сўм тўланмаган иш ҳақи ундирилди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорларига тааллуқли кафолатлар берилиши, тармоқ келишувларининг муҳим жиҳатларидан саналади.

Қатор тармоқларда касаба уюшмалари Марказий кенгашлари билан келишилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткалари тасдиқланган. Тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, келишувларда ҳар хил устама, қўшимча ва компенсация тарзидаги тўловлар назарда тутилган. Булар: ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароити учун, кечки сменадаги, иш вақтидан ташқари вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдорда ҳақ, кўп йиллик узлуксиз хизмат учун, юқори касб маҳорати учун устамалар, ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриши билан боғлиқ қўшимча харажатларини қоплаш, иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш ва ҳоказолардир.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича «Ўзқурилишашёларисаноати» АК ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2008-2010 йилларга мўлжаллаб имзоланган тармоқ тариф келишуви хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Унда юқоридагилардан ташқари, ишларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига тармоқ коэффициентларини қўллаш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондида тариф ставкалари улушининг 50 фоиздан кам бўлишига йўл қўймаслик масалалари ҳал этилган. Ўрнатилган муддатларга нисбатан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганлиги боис иш берувчининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган келишувлар сони ҳам кўпаймоқда. Айрим келишувларда иш ҳақини тўлаш муддатлари мунтазам бузилса, иш берувчиларни қандай моддий ва ҳуқуқий оқибат кутиши кўрсатиб ўтилган. Кейинги йилларда баъзи келишувларга ўз вақтида тўланмаган иш ҳақини индексация қилиш тартиби киритилиб, унинг фоизи аниқланаяпти.

Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон қонун ҳужжатларига асосан аёллар, ёшлар ва юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа фуқаролар (ногиронлар, кексалар, вояга етмаганлар, уруш қатнашчилари, атом объектларидаги фалокатлар оқибатини бартараф этишда иштирок этганлар) учун қатор имтиёз ва кафолатлар белгилаб қўйилган. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мазкур йўналишда бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида ҳамкорлик қилаётир. Жамоа келишувлари ва шартномаларида меҳнат муҳофазаси, иш вақти, таътиллар бўйича ногиронлар, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгиланган. Шунингдек, ишлаётган аёлларга хатарсиз меҳнат шароити яратиш, уларга ҳар хил имтиёзлар бериш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формалари олиб бериш, аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътилини узайтириш ҳам ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган.

Шунингдек, касаба уюшмаларининг фаол иштирокида 2008 йил Халқаро меҳнат ташкилотининг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138- ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги 182-конвенциялари ратификация қилиниб, Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Жорий йил ҳам ўтган йилларнинг тадрижий давомидир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан иччил фаолият юритилмоқда. Мисол учун, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун 3385 та корхонада 12754 оилага 266 млн. 800 минг сўм сарфланди. 7348 та корхонада 26003 та кам таъминланган ёш оила вакилларига 1 млрд. 5 млн. 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой қурилиши учун 159 та корхонада 356 нафар янги оила қурган ёшларга 814 млн. 900 минг сўм миқдорида фоизсиз ссуда берилди. Олий ўқув юртларида ўқиётган 1513 нафар талаба контракт пулининг бир қисмини тўлашга 489 та корхона томонидан 1 млрд. 512 млн. 600 минг сўм маблағ ажратилди.

Маҳмуджон ИСАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш бўлими мудири

Таклиф

Меҳр қозониб

Унумли меҳнат ва баракали маош ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир. Бу масала ҳар бир ҳисобот-сайловда тилга олинди. Ҳисобот-сайловларга пухта ҳозирлик кўрилди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши, вилоят вакиллиги, туман ва шаҳар кенгашларида ўтказилган ўқув семинарлари самарасини бериб, йиғилиш ва конференциялар юқори савияда ўтказилди.

Туман касаба уюшма кенгашимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, кундалик муаммоларни ҳал этишда одамларга наф келтириш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Касаба уюшма таркибидаги 10 та ташкилотда 304 нафар аъзо бирлашган бўлиб, ходимларнинг манфаатини ҳимоялаш борасида маъмуриятлар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпмиз. Ташкилотларнинг барчасида жамоа шартномалари тасдиқланган.

Ҳисобот даврида туман кенгашига тушган 15 та ёзма ва 42 та оғзаки мурожаатнинг аксарияти ишдан нотўғри бўшатилганлиги, маошларини вақтида ололмаётганлиги, меҳнат шароити ҳақида бўлиб, 85 фоизи ижобий ҳал этилди.

Вилоят вакиллиги иштироки билан касаба уюшма аъзоларидан 3 нафари ишга тикланди, 2 та ташкилотда зарур меҳнат шароити яратилди.

Инсон иш билан таъминланса, бошқа муаммолари иккинчи даражали бўлиб қолади. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар фаолларининг эътиборини ушбу долзарб муаммога қаратишимиз зарур.

Вилоят ташкилотлари конференциялари якунига етиб, тармоқ касаба уюшмалари қурултойларига қизғин тайёргарлик кўрилаётганини эътиборга олиб, бир неча муҳим масалани ҳал этиш йўлларини ўйлаб кўришимиз керак.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси низомининг 4.3-бандида: «Жорий ишларни олиб бориш учун касаба уюшма мажлисида 5 йил муддатга 30 тагача касаба уюшма аъзоси бўлган ташкилотларда касаба уюшма ташкилотчиси сайланади», — дейилган.

Тармоқ касаба уюшмасининг низомида эса бу рақам 15 тагача деб кўрсатилган. Менимча, Федерация ва тармоқ касаба уюшмаларининг низомлари бир-бирига мувофиқ бўлиши шарт.

Шунингдек, бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган маблағ миқдорини ошириш масаласини ҳам кўриб чиқиш керак. Чунки бошланғич ташкилотлар зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажаришида маблағ етишмаслиги энг катта тўсиқ бўлиб турибди.

С.ХОЛДАВЛАТОВ,
Давлат муассасалари ва жамоатчилик хизмати ходимлари касаба уюшмаси Улуғнор туман кенгаши раиси



Сурхондарё вилоятининг 14 туманида намунавий лойиҳа бўйича 660 та уй-жой бунёд этилмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Жамоа шартномаси амалда

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги тасарруфидаги барча корхоналарда жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар 43 мингдан зиёд аъзолар манфаатига хизмат килмоқда.

Ходимлар мамнун

Ишчи-ходимларга имтиёзлар бериш йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 230 нафар ижтимоий муҳофозага муҳтож ёш оилага 24,571 млн. сўмлик моддий ёрдам, уй-жой қурилиши ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар учун 19 нафар ёш оилага 28,011 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. Туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилганлиги ҳам айни муддао бўлди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган 162 нафар талабанинг контракт пулини тўлаш учун 120 млн. 626 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Қибрай энергетика ва Ангрен кимё касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларига устама стипендиялар таъсис этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислом университетида касаба уюшма қўмиталари ва ёшлар комиссиялари раислари учун «Миссионерлик ва диний экстремизмга қарши кураш», «Ҳуқуқ маданияти», «Глобаллашув ва мафкуравий таҳдидлар» мавзуларида малакали мутахассислар иштирокида ўқув-семинар ташкил этилди.

«Тошкент ИЭС» ва «Тошгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшмалари билан ҳамкорликда қишлоқларда истиқомат қилувчи ишчи-ходим ва кам таъминланган оила фарзандларидан 230 нафарини Самарқанд ҳамда Бухорога саёҳати уюштирилди. Бу каби тадбирлар меҳнат самарадорлигини ошириш билан бирга, кишига кўтаринкилик бахш этиши, шубҳасиз.

С. ИБРАГИМОВ,
Марказий кенгашнинг Тошкент вилоят вакиллиги етакчи мутахассиси

Туманимизда 141 ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. 18206 хонадонда қорамол мавжуд бўлиб, уларнинг бош сони салкам олтмиш мингга етади.

— Уйингда сигиринг борми, демак, дастурхонинг мудом тўкин, фарзандларинг оқсилларга бой маҳсулотлар истеъмол қилиб камолга етаётир, — дейди Кенегес қишлоғида истиқомат қилувчи Курбондурди Бобожонов.

Чорваси бор уй

У кишининг хонадонида 7 бош сигир-бузоғи бор.

— Ўзимиздан ортган сут-қатиқни сотиб, рўзғоримизнинг камини бутлаймиз, — дейди хонадон соҳиби.

Оллоберган Каримов хонадонида эса 8 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Оила аъзолари тўкин ҳаётдан мамнун. Қўмитамиз томонидан хонадонларда чорвачиликни ривожлантириш мониторинги олиб борилиб, аҳолига кенг тушунтириш берилмоқда. Бугунги кунда тарғибот-ташвиқот ишларига 1500 дан зиёд касаба уюшма аъзолари жалб қилинган. Улар кўмагида 1700 дан зиёд реклама, 2100 дона буклет тарқатилди. Шунингдек, 6 дона панно тайёрланди.

Режага кўра, бу йил 10491 бош сигир сунъий уруғлантирилиши лозим. Тарғиботчи устоз-мураббийларимиз бу жараённинг аҳамияти хусусида ҳам кенг тўхталмоқдалар.

Қарор ва ижро

Яқинда Кенегес қишлоғида «Отабек дўхтир» ветеринария шохобчаси очилди. Бу ерда қишлоқ аҳлига намунали зооветеринария хизмати кўрсатилмоқда. Озуқа маҳсулотлари билан савдо қилувчи шохобчалар барча қишлоқларда мавжудлиги айни муддао.

Мониторинг гуруҳимиз томонидан ҳар ҳафтада бажарилган ишлар муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар режалаштирилмоқда.

Бекберган АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари Қўшкўпир туман бирлашган қўмитаси раиси

Давра суҳбати

Атрофлича таҳлил

Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчил олиб борилаётган ислоҳотларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу боисдан уларнинг фаолиятини янада эркинлаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбатида ҳам шу мавзу атрофида сўз юритилди.

Унда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, республикамиздаги радио, телевидение ҳамда бир қатор газета ва журналлардан вакиллар иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчилар ОАВларига бозор механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги бугунги вазият кенг таҳлил этилиб, келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

30 нафар хотин-қиз ишли бўлади

Мавжуда Рустамова тадбиркор аёллардан. Узоқ йиллар тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатгани кўл келди. «Машҳура Шерзод» ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиб, 30 нафар аёлни иш билан таъминлади.

Корхонада ҳар ойда 28 хилдаги ўн миллион сўмлик болалар ва аёллар кийимкечаклари ишлаб чиқарилади. Тадбиркор аёл Гулистон шаҳридаги уйда ўтирган ишсиз аёлларнинг фойдали меҳнатга жалб этиш учун елиб югурмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилиб, янги замонавий дастгоҳлар ўрнатилмоқда.

Яқин кунларда яна 30 нафар хотин-қиз ишли бўлади.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Муаммолар бартараф этилади

Ўтган йили Жиззах вилояти томонидан давлатга 210 минг тонна ғалла, 230 минг тонна пахта ҳосили етказиб берилди. Бунда 5.500 дан зиёд фермер хўжаликлари ҳиссаси катта бўлди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси Бердиқул Тожибоевнинг VI конференциядаги ҳисоботда эришилган ютуқларда 82 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзоларининг ҳам муносиб улуши борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари ва битимлари орқали ходимлар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга диққат-эътибор қаратилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида 215 оилага 3 млн. 2 минг сўм, 185 та кўп болали оилага 2 млн. 7 минг сўм, уруш қатнашчиларига 1 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат муҳофазаси тадбирларига ҳисобот даврида 3 млрд. 200 млн. сўм сарфланди. Амалдаги қонун ва меъёрлар бузилиши юзасидан маъмуриятларга 150 та тақдимнома киритилиб, ижроси таъминланди.

Бердиқул Тожибоев бир овоздан тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Қашқадарё вилоят вакиллигининг V конференцияси бўлиб ўтди.

Аъзолар сони кўпаймоқда

Жамоа шартномалари орқали маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан сарф қилинган харажатлар ҳар бир ходим учун ўтган йилнинг ўзида 272457 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, 2005-2009 йиллар давомида тасдиқланган ўқув дастурига асосан 106 нафар доимий комиссия раислари ҳамда жамоатчилик асосида тузилган вакиллар меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитилди. Улар томонидан 409 та қонун ва қоида меъёрлари бузилиши аниқланиб, касаба уюшма қўмиталари аралашуви туфайли 380 таси бартараф этилди.

Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган нодавлат секторга мансуб қурилиш ташкилотларида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилганлиги натижасида 2009 йилда 1127 ходим ишлаётган 34 та, 2010 йилнинг биринчи чорагида 248 нафар ходими бўлган 7 та ташкилотда, касаба уюшма қўмиталари тузилди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов ҳамда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсонбой Ражабов фаолиятни янада жонлантириш борасидаги таклифлари билан ўртоқлашди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгашининг V конференциясида қишлоқ меҳнаткашлари шарт-шароитини яхшилаш, турмуш фаровонлигини таъминлашга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида гапириб ўтилди.

Эътибор ва яна эътибор

— Тармоғимиз улкан янгиланишларни бошдан кечирди, — деди кенгаш раиси Норхол Раҳматова. — Бугун далада меҳнат қилаётган 250 минг нафардан зиёд ишчини 64346 та жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилаяпмиз. Ҳар бир ходимга сарфланаётган маблағ миқдори 46199 сўмдан 79900 сўмгача кўтарилди. Иш ҳақидан қарздорлик сезиларли даражада камайди.

Ҳисобот даврида 34 ҳолат бўйича иш берувчилар олдига расмий талабномалар қўйилиб, 176574 минг сўм, 17 ҳолатда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига мурожаат орқали 43270 минг сўм, 2 маротаба прокуратура ва суд органлари аралашуви билан 2 млн. сўм иш ҳақидан қарздорлик ундирилди.

Ўтган фурсат 82 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ташкилот томонидан 5485 минг сўм, 540 та боқувчисини йўқотган оилага 8221 минг сўм миқдорида кўмак кўрсатилди.

Жамоа шартномалари асосида 15 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ вақт фойдаланадиган товарлар, уй-жой қуришлари учун 13,2 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 2600 та янги иш ўрини яратилди. 1878 нафар хотин-қиз касаначилик юмушларига жалб этилди.

Конференцияда тармоқ ходимлари Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Икром Нажмиддинов, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулув Нафасова иштирок этди.

Норхол Раҳматова тармоқ кенгаши раислигига қайта сайланди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2010-yil 3-iyul № 79 (2804)

Касаба уюшмаси
ВА ҲАЁТ

3 саҳифа

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган тингловчиларга дипломлар топширилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

1992 йилда ташкил этилган мазкур академия битирувчилари ўтган йиллар мобайнида тегишли мутахассислиги бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун зарур билим ва кўникмага эга бўлди.

Асқар ЁҚУБОВ
(ЎзА) олган сурат

Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Йил бошида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида «Фарғона автотеххизмат» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари Шуҳратжон Қодировни корхона касаба уюшма қўмитаси раислигига яна беш йил муддатга қайта сайлашди.

Ишончни оқлаб...

Аслида у корхонада қимматли қоғозлар бўйича мутахассис, бу вазифани жамоатчилик асосида бажаради.

Бугунги кунда аҳолининг енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжи кескин ортиб кетгани боис корхонада иш доим қизигандан қизийди.

— Асосий вазифамиз Асака шаҳридаги «GM-Uzbekistan» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган автомобилларни мижозларга тақдим этиш, уларни сотишдан олдин ва кейин кўрикдан ўтказиш. Бундан ташқари, енгил автомашиналарнинг барча қисмларини таъмирлаш билан шуғулланамиз. «GM-Uzbekistan» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар ҳам бизнинг савдо шохобчаларимиз орқали сотилади, — дейди бош муҳандис Одилжон Абдужабборов. — Жамоамизда 172 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан хурсандмизки, ҳар кунги фаолиятда ходимлар касаба уюшма қўмитамизнинг ҳамкорлиги, ҳамнафаслигини ҳис этиб туришади. Қайси бир ҳайдовчи ўз автоуловининг техник жиҳатдан соз бўлишини, агар бирор жойи бузилса ёки шикастланса, иш сифати кафолатланган устанинг қўлида тузаттиришни истамайди?

Шу жиҳатдан қараганда, мазкур корхона ўзининг тажрибали мутахассислари ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устахоналари билан эътибор қозонган.

Катта авлод вакиллари агар машина олмоқчи бўлсалар, бир неча йиллар давомида ўзларини еб-ичиш, кийинишдан чеклаб пул йиғишарди. Энди эса бир мавсумдаги даромадига ярақлаган машина сотиб олаётганлар қанча! «Фарғона автотеххизмат» очиқ акциядорлик жамияти 1995 йилда ташкил этилган бўлса, шундан буён ҳар йили аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча йўналишлари бўйича режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Бу ҳол халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётганлиги билан бевосита боғлиқ.

Корхона аъзолари ўз меҳнатларидан келадиган моддий манфаатдорликдан кўнгиллари тўлиб гапиришади.

— Асосий мақсадимиз усталар ишининг сифати ва самарадорлигини ошириш, — дейди Шуҳратжон Қодиров. — Мижозлар биздаги хизмат бошқа жойлардагига нисбатан яхши-роқ, пухта ва ишончли эканлигига амин бўлиб кетсинлар. Бунга эришишнинг асосий йўли — усталар ишини муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий томондан етарлича рағбатлантириш.

Корхона ишчи-хизматчиларининг маъмурият билан тузган меҳнат шартномасини кўздан кечирарканман, унда белгиланган тадбирлар ҳар икки томоннинг ўзаро манфаатдорлигига асосланганига гувоҳ бўламан. Энг аввало, ходимларнинг самарали ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш белгилаб қўйилган.

— Тўғри, бугун аввалгидек болға билан ишламаймиз, — дейди автомашиналарни таъмирловчи уста Нурмуҳаммад Усмонов. — Ҳозир мураккаб ва оғир операцияларни бажарадиган асбоб-ускуналар бор, улар электрон ҳисоблагичлар, компьютерлар билан бошқарилади. Аммо мана шу янги техника билан ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Коллежни битириб келаётган ёшларда назарий билим бор, уларнинг амалий малакаси, тажрибасини ошириш учун биз жон куйдиришимиз керак.

Шунинг учун касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қилган таклифимизга кўра, яхши шогирд тайёрлаган устозлар ҳар тарафлама рағбатлантирилаяпти. Республика миқёсида ўтказиладиган «Уста» танловида бу корхона вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашиб келаяпти. 2003 йили ўтказилган танловда «Энг яхши цех» номинацияси бўйича биринчиликни эгаллаб, «Damas» русумли автомашинани мукофотга олишган.

— Бизни ташаббускорлик билан ишлашга рағбатлантирувчи омил, бу — маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида ҳеч қандай муаммо йўқлиги, — деб мамнуният билан сўзлади Шуҳратжон Қодиров. — Ходимларнинг оилавий шароитларини ўрганиб чиққач, уларга зарурий ёрдам кўрсатамиз. Ёрдам сўраб келган биророта одам ноумид қайтмайди.

— Ўтган йили мен билан боғбон Рўзимат Аҳмедовнинг оиласига бузоғи билан соғин сигир беришди, — деди хизматчи Исроил Дадабоев.— Аёлим, болаларимнинг қанчалар қувонганларини кўрсангиз эди! Рўзғоримизга ҳам қут-барака кирди. Ҳаммасидан ҳам... инсоннинг бир жойда ишлаб қадр, эътибор топиши бошқача бахт экан.

Корхонада ишлаб нафақага чиққанлар ҳамон эъзозда. Меҳнат шартномасига асосан нафақага чиқаётганлар ойлик иш ҳақининг етти баробари миқдорида маблағ билан таъминланиб, шундан кейин ҳам ҳар ойда республикамизда ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробарида ёрдам пули олишади. Байрам дастурхонларининг тўрига фахрийлар таклиф этилади.

Соғлиққа зарарли таъсири бўлган иш билан шуғулланадиганларнинг сут, қатиқ билан таъминланиши, усталарга иш кийими ва ниқоб берилиши, ишчи-хизматчиларнинг дам олиш ва соғломлаштириш масканларига, уларнинг фарзандларини эса ёзги дам олиш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш касаба уюшма қўмитасининг доимий ишига айланган. Тўғри, корхонада хотин-қизлар нисбатан кам, лекин байрамларда уларга алоҳида эътибор, эҳтиром кўрсатилади.

— Кейинги йилларда хоҳловчилар ўзи истаган спорт тури билан шуғулланиши учун ҳам касаба уюшма қўмитаси шароит яратиб берди, — дейди хизматчи Вера Якубова. — Яқинимизда жойлашган спорт мактаби билан шартнома тузилган, ишдан бўш вақтларимизда у ерга бориб шуғулланамиз. Татьяна Березовская, Зера Якубова, Гулчеҳра Юнусова, Баҳром Саидов, Тавакқал Жўрабоев каби жамоадошларимиз билан шу мактабда мунтазам машқ қилмоқдамиз. Спорт мусобақаларида корхонамиз шарафини ҳам муносиб ҳимоя қиламиз-да!

— Лекин ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек эмаслиги ҳисобот-сайлов йиғилишида айтиб ўтилган, — деб қўшимча қилди Шуҳратжон. — Чунки айримлар алоҳида вақт ажратиб шуғулланишга боролмаслиги мумкин. Шу сабабли, ҳозирги пайтда иш жойининг ўзида соғломлаштириш машқларини бажариш, шахмат, шашка, теннис каби ўйинлар ташкил этиш учун ҳаракатни бошлаганмиз... Хуллас, режаларимиз, олдинда турган вазифаларимиз жуда кўп.

Муҳтарама УЛУҒОВА

Тўй

Болалар қувончи

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими ва бир неча ҳамкор ташкилотлар кўмагида 42 нафар — кўп фарзандли ва кам таъминланган оилаларнинг 27 нафар, 1-Меҳрибонлик уйининг 15 нафар фарзандларига хатна тўйи ўтказилди. Тадбирда шаҳар ҳокими Илҳом Маматов шодиёна сабабчиларини қизғин табриклаб, баркамол бўлиб вояга етишлари учун самимий истаклар билдирди.

Тўйга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулҳай Каримов, хушовоз хонанда Нуриддин Асқаров, 5-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, «Камалак» болалар бадиий ҳаваскорлик дастаси файз киритишди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Мутахассис шарҳлайди

Қабулга келган йигит ва қиз турмуш қуриш ҳақида ариза беришди. Уларнинг ҳужжатларини тайёрлатиб, никоҳ шартномаси тузиш хусусидаги фикрларини сўрадик. Қиз билмасам дея ҳамроҳига норози маънода қараб қўйди. Йигит эса: «Кўйсангиз-чи, опа! Шартномани бугун турмуш қуриб эртага ажрашадиганлар тузишади. Биз бир умр бирга яшамоқчимиз», — дея эътироз билдирди.

Никоҳ шартномаси

ажралиш белгиси эмас

Афсуски, орамизда никоҳ шартномасига шу тахлит муносабатда бўладиганлар оз эмас. Аслида мазкур шартнома улар ўйлаганидек оила бузилганда мол-мулкни ажрим қилиш учунгина керак бўладиган қоғоз эмас, балки эр-хотин муносабатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи, оила мустаҳкамлигига хизмат қилувчи асосий ҳужжатдир.

Оиланинг мустаҳкамлиги нафақат муҳаббат, балки моддий асосларга ҳам боғлиқлигини инобатга олсак, никоҳ шартномасининг афзалликлари ҳақида ёрқинроқ тасаввурга эга бўламиз. Дейлик, келин ва куёв бир-бирларининг оилавий шароитидан яхши хабардор эмас. Фақат ташқи кўриниши ҳақидаги тасаввурларига ишониб оила қуришди. Орзулар, осмонда парвоз қилишлар ниҳоясига етиб, «ерга тушишганда» бир-биридан совуб, ажрашиб кетишди. Бу каби ҳолатлар бойлик илинжида турмуш қурадиганлар орасида тез-тез кўзга ташланади. Никоҳ шартномаси тузиш орқали бундай кўнгилсизликнинг олди олинади. Бунда томонларнинг бор имконияти рўй-рост очиб берилади.

Никоҳ шартномаси тузиш тажрибаси бир неча асрдан буён Европа оилалари мисолида синовдан ўтиб келмоқда. Дарвоқе, баъзилар мазкур ҳужжат эр-хотин муносабатлари, удумларимиз, азалий қадриятларимизга мувофиқ келмаслиги ҳақида эътироз билдиришади. Ваҳоланки, миллийлигимизга вобаста бўлиб кетган ислом ақоидида ҳудди шу тартибдаги муносабатлар мавжудлиги барчага аён! Шариатда хотиннинг ҳаққи — маҳр тушунчаси мавжуд.

Мамлакатимизда никоҳ шартномасини тузиш ихтиёрий бўлиб, унда эр-хотиннинг никоҳгача бўлган ва никоҳдан кейинги даврдаги мулкларига эгалик қилиш, бошқариш тартиби, оила даромадлари ва харажатлари (ўқиш, касб ўрганиш, даволаниш, дам олиш билан боғлиқ харажатлар) ҳақидаги масалалар, тадбиркорлик билан шуғулланганда қўшимча даромадларда томонларнинг иштироки, ўзаро моддий таъминот каби масалалар белгилаб берилади. Шартнома никоҳланувчилар томонидан нотариус ҳузурида шахсан имзоланади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган бугунги кунда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини билмоғи ва жамиятнинг онгли қурувчиси бўлмоғи талаб этилади. Шундай экан, фуқаролар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини англаб, унинг имкониятидан тўлиқ фойдалана олишлари лозим.

«Бахт уйи»мизда никоҳдан ўтувчи ҳар бир йигит-қиз учун бу йўналишда «Оила дорилфунуни», «Ёш оила мактаби» каби машғулотларни ташкил этиб, оиланинг ҳуқуқий-маънавий асослари, никоҳ шартномаси, тўйдан олдинги тиббий кўрик каби мавзуларда ўқув ўтказаяпмиз. Бу эса ёшларимизнинг янги ҳаёт остонасида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб, келгусида унга амал қилишларида муҳим аҳамият касб этади.

Зуҳра МАХСУДОВА,
Бухоро шаҳар «Бахт уйи» мудири

Бўлмаса она

Чархпалак

— Бир танишим бор. Ўзи жуда бой аёл. Лекин Худо фарзанддан қисган. Эри сал бетайинроғу, лекин ўзининг жуда фарзандли бўлгиси бор. Агар биронта соғлом аёл унга ҳалолгина фарзанд туғиб берса, ҳомиладорлигидан то чақалоқ қўлига теккунича ўзи таъминламоқчи, яна каттагина пул ҳам бераркан, — деб қолди бир куни Ҳакима опа.

— «Болалар уйи»дан биронта етимни олақолса бўлмасмикан? — деди Манзура бу гапни эшитиб.

— Э, «Болалар уйи»дагиларни Худо билади, отаси ким онаси ким? Шунча меҳнатинг сингиб катта қилганингдан кейин бамаънироқ бола бўлсин дейди-да.

— Тавба, ким унга ўз боласини бераркан? Фарзанд ҳам пулга сотиларканми?

— Кимгадир пул, кимгадир бола керак бу дунёда. Баъзи давлатларда бировнинг бола туғиб бериши қонунлаштирилган дейишади-ку. Тағинам билмадим.

Ишдан сал кечроқ уйга қайтган Манзура онасининг беҳолгина деворга суяниб ўтирганини кўрди.

— Онажон, сизга нима бўлди?

— Салгина тобим қочди, қизим. Қўявер, ўтиб кетади. Менга бир пиёла сув бер.

Манзура онасига сув ичириб, суяб ўрнига ётқизди. Онаизорининг бутун танаси оташ эди гўё.

— Мен ҳозир, ойижон, — дея Манзура «тез ёрдам» чақириш мақсадида қўшнининг уйига чиқиб кетди.

Ҳамшира оғриқ қолдирадиган дори билан эмлагач, беморни албатта текширириш зарурлигини таъкидлади.

Эртаси куни Манзура онасини шифохонага олиб борди.

— Синглим, мен таҳлиллар билан танишиб чиқдим. Онангизнинг жисмида кичкина ўсимта пайдо бўлган. Унинг сўрилиб кетиш эҳтимоли жуда оз. Ҳозирча керак бўлган дори-дармонларни қиламиз. Бу муолажаларимиз бир-бир ярим йилгача ўсимта ўсишининг олдини олиши мумкин. Бироқ, албатта, операция қилиниши зарур. Бўлмаса, онангизни асраб қололмаймиз, деб кўрқаман.

Шифохонада даволаниб чиққанидан кейин ҳам онасининг аҳволи ўнгланиб кетмади. Оға-иниси йўқ, ёлғизгина қиз қандай йўл тутишга ҳайрон. Бировдан қарз кўтарай деса, ҳозир амма-ю холалар, амакию тоғалар, танишу билишлар ҳам ўзидан ортмайди. Сотай деса уйида қўлга илингудек нарсанинг ўзи йўқ. Отаси бўлганида-ку, бу муаммолар йўқ эди. Манзура отасини эслолмайди ҳам. У вафот этганда бир неча ойлик чақалоқ бўлган.

Манзуранинг кириб чиқмаган кўчаси қолмади ҳисоб. Шунда Ҳакима опанинг гапи лоп этиб эсига тушди. «Ўша бойвачча аёлга мен фарзанд туғиб берсам-чи? Ахир соппа-соғ бўлсам. Барибир онамни ташлаб турмушга чиқолмайман. Ёшим ҳам ўттизни қоралаб қолди...»

Шифокор айтган бир ярим йилнинг икки ойи ўтиб кетди. Ноилож қолган Манзура Ҳакима опадан фарзандталаб танишининг манзилини олди.

Эшикбоннинг рухсатидан сўнг Манзура серҳашам хонадаги юмшоқ гиламни авайлабгина босганча беканинг ҳузурига кирди.

— Исмим Роза, — деди аёл мулойимлик билан ўзини таништириб.

— Сеники-чи?

— Манзура.

— Таклифимга рози бўлишга нима ундади?

— Бошқа йўлим йўқ.

— Бўлмаса, ҳозир сен билан аёллар маслаҳатхонасига борамиз. Текширувлардан ўтасан. Ўша ерда ҳомиладорлик масалаларини ҳам келишиб оламиз. Агар бола соғ-саломат дунёга келса, сенга юз минг АҚШ доллари бераман. Розимисан?

— Розиман, фақат...

— Гапиравер.

— Олдиндан аванс берсангиз, онамнинг аҳволи оғир.

— Бола туғилгач, ҳаммасини бирданига тўлайман.

Манзура қарорини онасидан яширди. Бўйчанлиги сабаб ҳомиладорлиги унчалик сезилмасди. Ундан ташқари, турмушга чиқмаган бўлса...

Роза Манзурага ҳомиладорлик вақтида жуда кўп меҳрибончилик кўрсатди. Онасининг дори-дармонига қарашиб турди. Бироқ бу пуллар операцияга етарли эмас эди. Манзура онажонининг соғлиғини асраш учун қилаётган ишидан ҳатто мамнун эди.

Ой-куни яқинлашгач, Манзура хизмат сафарига кетаяпман, дея онасини холасининг уйида қолдириб, ўзи Роза билан бирга яшай бошлади. Кўп ўтмай, Манзура ўғилчали бўлди. Соғломгина болакайни кўриб, Розанинг боши кўкка етди. Манзура эса ўғилчасининг жажжигина қўлчаларини ўпиб, кўзларига суртиб, эзилиб йиғларди. У онасининг жонини асраб қолиши ҳаммасидан муҳим эканлигини ўйлаб дардини ичига ютишга мажбур эди. Аммо фарзандидан айрилиш ҳар қандай онани изтиробга солиши табиий. Сиқилишлар натижасида туғруқдан сўнг Манзуранинг қон босими кўтарилиб кетди. Келишувдан хабардор шифокор болани Розага бериб, Манзурани бир неча кунга олиб қолишди.

Орзуси ушалган Роза ўғлини олиб уйга келибоқ, келишилган пулни Манзурага элтиб бериш учун эри Василнинг қўлига берди.

Узоқ йиллар тирноққа зор бўлган Роза ўғлини еру кўкка ишонмай парваришлай бошлади.

* * *

Анчадан буён қарзини тўлай олмай юрган Васил юз минг АҚШ долларини қўлтиқлаганча қиморхонага ошиқди. Дастлаб эллик минглик қарзидан қутилгач, янгидан ўйинга шўнғиди. Ўйин қизигандан қизиб борарди. Бир туннинг ўзидаёқ Васил бировнинг омонатини шерикларига бой берди. Бу ҳақда Розага лом-мим демади. Гўёки пулни Манзурага етказиб бергандек, ўзини бамайлихотир тутди.

* * *

Манзура шифтга тикилганча Розанинг йўлини пойлади. Пулни олиши билан онасини операция қилдириш, меҳрибонини дарддан фориғ этишни ўйлади. Бироқ, бир ҳафта ўтса ҳамки Розадан дарак йўқ. Манзуранинг ичига ғулғула тушди. Аксига олиб шифокорлар унга жавоб беришмасди. Юрагини қандайдир нохушлик қамраб олган. Ҳали тўлиқ оёққа турмаган, қон босими меъёрлашмаган бўлса-да, Манзура тилхат ёзиб шифохонадан чиқди. Боши оғриб, юраги беҳузур бўлиб туришига қарамай уйига ошиқди. Дарвозаси олдида тўн кийиб ўтирган эркакларни кўриб, турган жойида қотиб қолди.

— Манзура, онажонингдан айрилиб қолдик, жигарим! — Ўзига томон келаётган тоғасини элас-элас кўрди.

Манзура кўзини очганда ҳовли сув қуйгандек жимжит, фақат онасининг хонасида аёлларнинг ғўнғир-ғўнғир овозлари эшитиларди. Секингина ҳовлига чиқди. Юзини жўмракдан оқиб турган муздек сувга ювиб, салгина тетикланди. Қайтиб уйга ҳам кирмай дарвоза сари юрди.

«Пули ҳам бошидан қолсин, энди бир тутам кўк қоғозларини нима қиламан, ундан кўра бориб боламни олиб келаман», деган хаёлда йўлга тушди.

Розанинг уйига етиб борганида қуёш анча кўтарилиб қолган эди. Важоҳат билан эшикни тақиллатди. Таниш бўлиб қолган эшикбонни четга суриб, уйга отилиб кирди.

— Роза, аблаҳ, номард. Сенинг ваъдангга, пулларингга ишониб, онамни асраб қололмадим. Қани менинг болам, бер уни, олиб кетаман. Унда сенинг ҳаққинг йўқ, — дея бақирганича бола ётган хонага бостириб кирди.

Манзуранинг шовқинидан уйдан ҳовлиқиб чиққан Роза ҳеч нарсани англолмай эшик олдида қаққайиб қолди. Манзура уни зарб билан итариб юборди. Бундай қалтис ҳаракатни кутмаган аёл қалқиб кетиб, боши зинанинг темир тутқичига тегди. Мувозанатини йўқотиб зинадан пастга юмалади. Манзура ортига ўгирилиб ҳам карамай жон ҳолатда ухлаб ётган ўғлини бағрига босди. Эшикдан чиққач, пастда қонга беланиб ётган Розани кўриб, беихтиёр чинқириб юборди.

* * *

Суд раиси йиғилганларни ҳукм билан таништирди.

«Роза Амированинг жонига қасд қилишда айбланаётган жиноятчи Манзура Эшпўлатованинг жиноий иши бўйича суд ҳайъати қуйидагича қарор қилади. Оқловчининг кўрсатиб ўтган далиллари, Манзура Эшпўлатованинг қаровчига муҳтож бўлган фарзанди борлиги ҳамда Роза Амированинг ўлими ҳеч қандай режалаштирилмай, кутилмаганда содир этилгандиги инобатга олиниб, Манзура Эшпўлатовага 3 йилга кечиктирилган ҳолда 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин».

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА

Омон бўлинг,

МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 3-iyul № 79 (2804)

Тадбир

Ходимлар ҳамда талаба-ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини ўстириш, уларни бадиий ҳаваскорлик жамоаларига жалб қилиш орқали бўш вақтини мазмунли ташкил этиш касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Шунга асосан, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги ҳамда Баркамол авлод йилига бағишлаб ушбу фестивалнинг вилоят босқичини муваффақиятли ташкил этди.

Санъат фестивали

истеъдодларни кашф этмоқда

Тадбир Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос — Максам» ОАЖнинг «Кимёгар» маданият саройида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган кошона санъатга ошуфта кишилар билан тўлди.

— Қатнашчилар мақом, анъанавий ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, миллий созандачилик, якка ҳамда жамоа рақс ижрочилиги бўйича беллашадилар, — деди ҳайъат аъзоси Карим Раҳимбердиев. — Фестивалда ёши, миллатидан қатъи назар тармоқдаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар иштирок этишаяпти.

Саҳна шу куни фусункор оҳанглардан ўзгача кўриниш олди.Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг ходими Обиджон Тошматов, «Аммофос — Максам» ОАЖ вакили Матлуба Турғунова ҳамда «Тошкентгазтаъминот» корхонасидан Дилмурод Жалиловнинг қўшиқларини тингловчилар олқиш билан кутиб олишди. Қибрай энергетика касб-ҳунар коллежидан Жасмина Эгамбердиева, «Максам — Чирчиқ» ОАЖдан Лола Соипова рақси йиғилганларга манзур бўлди.

Санъат фестивалида умумжамоа бўйича биринчи ўринни «Янги-Ангрен» иссиқлик электр станцияси қатнашчилари эгаллашди. Иккинчи ўрин «Максам —Чирчиқ» ОАЖ вакилларига насиб этди. «Аммофос — Максам» ОАЖнинг ҳаваскорлари учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

— Ҳаваскорларимиз бугун ўз чиқишлари билан барчамизни хушнуд этишди, — деди санъат фестивали ниҳоясида сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакили Мавжуда Халилова. — Яхши биламизки, ҳар бир қўшиқ, рақс ёки куй томошабинлар кўнглини забт этиши учун ойлаб ва ҳатто йиллаб меҳнат қилишга тўғри келади. Шу боисдан барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдираман.

Фестивал ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

ФИФА Эрматовга ишонади!

Жанубий Африка Республикасида давом этаётган 19-жаҳон чемпионатининг чорак финал ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар номи маълум бўлди. Рўйхатда ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг борлиги бизни айниқса, қувонтирди.

ФИФА расмий сайтида айтилишича, Голландия — Бразилия ўртасида кечадиган беллашувга бош ҳакам этиб, япониялик Юичи Нишимура, Уругвай — Гана терма жамоаларини назорат қилиш португалиялик Олегариу Бенкуеренсага топширилган. Марказий учрашув дея қаралаётган Аргентина ва Германия термалари ўйинида эса, юқорида зикр этиб ўтганимиздек, футболчиларнинг хатти-ҳаракатига ҳамюртимиз Равшан Эрматов кўз-қулоқ бўлиб туради. Чорак финалнинг сўнги баҳси Парагвай — Испания ўртасида бўлиб ўтади ва унга бош ҳакам этиб, гватемалалик Карлос Батрес белгиланган.

Ҳеч шак-шубҳасиз Аргентина ва Германия терма жамоалари ўртасидаги ўйин шиддатли ва кескин руҳда ўтиши, биз эса ҳақиқий футбол спектаклининг гувоҳига айланишимиз тайин. Чунки бу икки рақиб мундиалнинг асосий даъвогарларидан ҳисобланишади. Мутахассис ва мухлислар томонидан финал олди финал деб баҳоланаётган ўйинда Эрматовдан катта масъулият талаб этилади. Муросасиз ўтиши кутилаётган баҳс, ўйлаймизки, Эрматов триосининг янги чўққини забт этиши билан ниҳоя топади.

Мантиқий жиҳатдан олиб қараганда, чорак финал ўйинларини бошқарган ҳакамлар қолган 4 та ўйин, яъни ярим финал, 3-ўрин учун ва финал учрашувига тайинланмаслиги керак. Лекин қолган 4 та ўйинда айнан Европа ҳамда Лотин Америкаси жамоалари ўзаро тўқнаш келиши эҳтимоли мавжуд. Агар шу «эҳтимол»ни

ЖЧ — 2010

инобатга оладиган бўлсак, ФИФА яна Осиё ва Шимолий Америкадан ташриф буюрган ҳакамларга мурожаат этиши мумкин. Ана шунда Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамларимиз бригадасига финал ўйинини бошқариш насиб қилиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бу албатта, тахмин. Барчаси чорак финалда кимга ғалаба нашидасини суриш насиб этиши ва финалда қайси қитъа вакиллари учрашишига боғлиқ.

Нарзулла МАҲАМОВ

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Жиззах вилоят филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади

2010 йил 2 август куни соат 12.00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдосига Жиззах вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалигининг мурожаатига мувофиқ автохўжаликка қарашли бўлган Жиззах шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 21 уйда жойлашган 1998 йилда и/ч ранги оқ «Дамас» русумли, давлат рақами 13АС283 бўлган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилади, бошланғич баҳоси 2 025 000 сўм. Ушбу аукцион савдоларида сотилмай колган тақдирда 2010 йил 17 ва 31 август соат 12.00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига такроран қўйилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун закалат тўғрисидаги келишувни имзолаган ва закалатни тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиш вактидан уч соат олдин тўхтатилади.

2010 йил 6 август куни соат 10.00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдосига якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

Арнасой тумани, «Мустақиллик» АХМ ҳудудидан 600 м² иборат 3 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 19200 сўм; Дўстлик тумани, «Қаҳрамон» ҚФЙ ҳудудидан 400 м² иборат 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 38400 сўм.

Бахмал тумани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 м² ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 200 м² юзага тенг бўлган ер майдонлари: «Барлос» ҚФЙ ҳудудидан 16 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 32640 сўм; «Оқтош» ҚФЙ ҳудудидан 2 та ер майдони, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 28560 сўм.

Фориш тумани ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 600 м² иборат ер майдонлари:

«Осмонсой» ҚФЙ, Тутак қишлоғидан 4 та ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 22680 сўм, «Фориш» ҚФЙ, «Пасткўча» қишлоғидан 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 22680 сўм, «Янгиқишлоқ» шаҳарчаси, Э.Камолов маҳалласидан 400 м² иборат 1 та ер майдони, бошланғич баҳоси 37 800 сўм.

Ушбу куни сотилмай қолган ер майдонлари 2010 йил 20 август, 3 сентябр, 8, 29 октябр кунлари соат 10.00дан бошлаб очиқ аукцион савдосига такроран қўйилади. Талабгорлардан ер майдонлари бўйича аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиш вақтидан уч кун олдин соат 10.00да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этишни истаган шахслар транспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан, ер майдонлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Жиззах вилоят филиалининг ДАТ «Асакабанк» Жиззах филиали МФО: 00140 СТИР: 206761326 ҳисоб рақамига 20210000004537599012 закалат пули тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома шарт.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй. Тел/факс (8-372) 771-62-22 E-mail:info@mulk.uz

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63
Huquq va xalqaro hayot
256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport
256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e`lonlar
256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
N. Maxamov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshiriш vaqti - 21.00
Topshirildi - 18.30

Buyurtma G — 651

12995 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5

«POYTAXT AUKSION» ДУК

2010 йил 5 август куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга, Тошкент шаҳар, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти тасарруфидаги 2007 й. и/ч, д/р 10TH258, бошланғич нархи 9 540 000 сўм бўлган «Волга ГАЗ 31105-100» русумли;

Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда жойлашган, «O'ZBEKEKSPERTIZA» очиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги 2005 й. и/ч, д/р 10BB959, бошланғич нархи 23111000 сўм бўлган «Ласетти CDX» русумли;

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 3-уйда жойлашган Тошкент давлат Аграр университети «Kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash Markazi» тасарруфидаги 1996 й. и/ч, д/р 11TV133, бошланғич нархи 3052364 сўм бўлган «Нексия» русумли;

Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3«а»-уйда жойлашган, «YO'LOVCHITRANSSERVIS» ягона хўжалик ҳисобидаги марказ давлат унитар корхонаси тасарруфидаги 2001 й. и/ч, д/р 10AS076, бошланғич нархи 4908200 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION»ДУКни АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги хафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармасининг автохўжалиги тасарруфидаги д/р 01/336РРР бўлган «ГАЗ-3102» 3450000 сўмга, д/р 01/335РРР бўлган «ГАЗ-31029» 3000000 сўмга, д/р 01/410РРР бўлган «Супер салон» 7850000 сўмга, д/р 01/342РРР бўлган «ГАЗ-31029» 2400000 сўмга, д/р 01/317РРР бўлган «ГАЗ-31029» 2500000 сўмга, д/р 01/322РРР бўлган «ГАЗ-31029» 2500000 сўмга, д/р 01/356РРР бўлган «ГАЗ-31029» 2900000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

IPOTEKA BANK

Банк мизож учун

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айни пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Даромаднинг ошиши

Ипотека банкнинг Навоий вилоят филиалида мижозларни кредитлаш имкониятини кенгайтиради

Шу йилнинг 5 ойи давомида бу ерда банк даромадлигини ошириш ва рентабеллигини кўтариш бўйича кўплаб ишлар олиб борилди. Натижада олинган соф фойда 426,9 млн.сўмни ташкил этди. Рентабеллик эса 66,1 фоизга етди.

Ўтган даврда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Бунда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига қатъий риоя қилинди. Ходимлар учун амалий семинарлар ташкил этилди. Омонатчиларнинг банкка қўйган пул маблағлари тўғрисида маълумотларнинг ноқонуний равишда ошкор этишнинг олдини олиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилди. Юқоридаги ва бошқа кўрилган чора-тадбирлар натижа берди. 2010 йилнинг 1 июн ҳолатига 4 млрд. 707,7 млн. сўм маблағ ўтказилган. Шунингдек, 225 та терминал мижозларга қулай бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлаб турибди.

Депозит базасининг ошиши филиалда мижозларни ипотека ва бошқа кредитлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди. Жумладан, ўтган йилда Навоий шаҳрининг ўзида банк маблағи ҳисобидан ёш оилаларга мўлжалланган иккита уй фойдаланишга топширилди. Биринчи

Умуман олганда, бешой давомида филиал кассаларига жами 20 млрд. 118,4 млн. сўм нақд пул маблағлари жалб қилинди. Буни ўтган йилнинг шу даврига таққосласак, 165,8 фоизга кўпайганлигини кўрамиз.

Нақд пулнинг банкдан ташқарида айланишини қисқартиришда пластик карточкаларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги кунга келиб, вилоятдаги 178 та корхона ва ташкилотларга иш ҳақи лойиҳасига асосан 7590 дан ортиқ пластик карточкалар тарқатилган. Уларга шу йил 1 июн ҳолатига 4 млрд. 707,7 млн. сўм маблағ ўтказилган. Шунингдек, 225 та терминал мижозларга қулай бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлаб турибди.

Депозит базасининг ошиши филиалда мижозларни ипотека ва бошқа кредитлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди. Жумладан, ўтган йилда Навоий шаҳрининг ўзида банк маблағи ҳисобидан ёш оилаларга мўлжалланган иккита уй фойдаланишга топширилди. Биринчи ҳисоб-рақамларига 8,8 млрд. сўм тушум қилиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробардан кўпдир.

уй 48 хонадондан иборат бўлиб, бу ерда қурилиш-тиклаш ишларини «Темур Малик» масъулияти чекланган жамият қурувчилари амалга оширишди. Бунинг учун филиал томонидан 700 млн. сўм кредит ушбу қурилиш ташкилотига ажратилди. 40 хонадондан иборат иккинчи уйни 10-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари қуриб, битказишди. Бу юмуш ҳам банкнинг 945 млн. сўм кредит ҳисобига амалга оширилди. Бундан ташқари, Зарафшон шаҳрида банк кредити ҳисобида 32 хонадондан иборат, 4 қаватли, иккита уй фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳам қурилиш-тиклаш ишларини «Темур Малик» МЧЖ бунёдкорлари поёнига етказишди. Бугунги кунда замон талаблари асосида қурилган юқоридаги уйларда ёш оилалар истиқомат қилишмоқда.

Бу йил ҳам ипотека кредити беришни давом эттирмоқда. Хусусан, ўтган беш ой давомида 9 нафар фуқарога 234,2 млн. сўм ипотека кредити ажратилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 апрелдаги «2010 йилда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрининг туманларида аҳоли, шу жумладан, ёш оилаларга турар-жой биноларини қуриш ишларини жадаллаштириш ва давом эттириш ҳақида»ги йиғилиш баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида Навоий шаҳрида кўп қаватли уй-жой биноси қурилиши режалаштирилган.

Биз ипотека кредити ҳисобига уй сотиб олиб, бахтли ҳаёт кечираётган бир нечта ёш оилалар билан суҳбатлашдик. Улар мамлакатимизда ёшлар, хусусан, ёш оилаларга берилаётган имтиёзлардан жуда хурсанд эканлигини таъкидлашди. Бунинг учун Президентимиз ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдиришди. Навоий шаҳар М.Таробий кўчаси 125-уйда яшаётган ёш оила соҳиблари Азиз Ҳамров, Нодир Қорабеков ва бошқалар ўзларининг ана шундай дил изҳорларини баён этишди.

Банк мижозларга фақат ипотека кредити бериш билан чекланиб қолгани йўқ. Фуқароларга истеъмол кредити, кичик бизнес субъектлари учун кредитлар, қорамол сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун кредит ажратиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун ўтган даврда 11 та фуқарога 32,6 млн. сўм истеъмол кредити ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 6 нафар талабага 6 млн. сўм таълим кредитлари берилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга жами 2 млрд. 489,8 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиб, 65 та янги иш ўринлари яратилди. 6 та кам таъминланган оила эса 12 млн. кредит эвазига қорамол сотиб олиб, ўзларининг турмуш тарзини яхшилаб олишди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ турдаги аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан ТИФ «Миллий банк» Юнусобод филиалида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1. 24.02.2009 йилдаги №10-0816/17038-сон ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч дав.бел. 10 BE 819 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 6 270 000 сўм, 2. 24.02.2009 йилдаги № 10-0816/17038-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 10 BE 961 бўлган «ВАЗ-21041» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 8 177 400 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 3 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади, автотранспорт воситалари 2010 йилнинг 3 август кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 19 август куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2010 йил 20 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

Чиноз тумани СИБ томонидан аукцион савдосига Қибрай тумани «Аргин Савдо» омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда: 1. 16.10.2008 йилдаги № 1-237/2008-сон ижро варақасига 1995 йилда и/ч дав.бел. Х 158 CAN бўлган «ГАЗ-330210» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 5 155 761 сўм, 2. 16.10.2008 йилдаги №1-237/2008-сон ижро варақасига 1980 йилда и/ч дав.бел. 30 Т 1597 бўлган «КАМАЗ-5320» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 8 539 404 сўм, 3. 02.03.2010 йилдаги № 933-сон ижро ҳужжатига асосан МЧЖ «Чиноз Матлубот инвест» омборхонасида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган дав. бел. 11 S 4295, бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 3 275 633 сўм. 1. Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 12.02.2009 йилдаги № 2944/2-сон ижро ҳужжатига асосан И.М.Ярматовга тегишли бўлган ер майдони 510.569 кв.м.дан иборат бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқабулов қ.ф.й., Марказий кўчасида жойлашган 269-уй турар-жой (ховли) қўйилмоқда, бошланғич нархи — 36 279 236 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: DB 001 №000003